InfinBANK

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Бошқарув Раиси
О.Л.Нуманова

_____
«___» _____ 2024й.

МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 1 уй манзили бўйича рўйхатдан ўтган, СТИР рақами: 206 942 764 (ОКЕД: 64190) бўлган, 25.12.2022 й. берилган 75-сонли лицензия асосида фаолият юритувчи "Invest Finance Bank" акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда Банк) Банкда ҳисоб рақамига эга бўлган барча юридик шахсларга ёки якка тартибдаги тадбиркорларга (кейинги ўринларда Мижоз) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367 моддаси ва 369 моддаси 2 қисмига мувофиқ ушбу оммавий офертада кўрсатилган шартларда масофавий банк хизматлари кўрсатиш тўғрисида Шартнома (кейинги ўринларда Шартнома) тузишни таклиф қилади.

1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Ушбу Шартномага нисбатан қуйида келтирилган атамалар ва тушунчалар қуйидаги маъноларда қўлланилади:

Аппарат таъминоти - мобил телефон, компьютер, планшет ва бошқалар.
Масофавий банк хизмати (МБХ) – смартфонлар учун мобиль иловалар ва веб-интерфейс орқали ДТ дан фойдаланган ҳолда масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш ёки банк маҳсулотларини тақдим этиш бўйича Банкнинг ҳаракатлар мажмуи.
ДТ - Банкнинг МБХ учун дастурий таъминоти.
Рўйхатдан ўтказиш - МБХ тизимида Мижознинг ҳисоб қайдномасини яратиш.
Роль - бу МБХ тизимидаги турли даражадаги ваколатларга эга бўлган функционал.
Банк тарифи – Банк томонидан тасдиқланган, МБХ учун Банк воситачилик ҳақи миқдорини белгилайдиган, МБХ тақдим этилган пайтда амалда бўлган ҳужжат.
Идентификация параметрлари - Мижознинг МБХ тизимидаги шахсий маълумотлари.
Ҳисоб қайдномаси - Мижоз тўғрисидаги, унинг шахсини аниқлаш ва маълумотлари ҳамда созламаларига киришни таъминлаш учун зарур бўлган ва Банк маълумотлар базасида сақланадиган маълумотлар мажмуи.

Мижознинг МБХ тизимидан узиш - Мижоз ҳисоб қайдномасининг МБХ тизимига уланиш имкониятини таъминлайдиган муносабатлардан чиқариб ташлаш.
ЭРИ (парольни) бекор қилиш - Мижозни МБХ тизимида рўйхатдан ўтказишда Банк томонидан илгари берилган ЭРИ амал қилишини бекор қилиш.
ЭҲ - электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва уни идентификация қилиш имконини берувчи электрон ҳужжатнинг бошқа реквизитларига эга бўлган маълумотлар.
ЭРИ – электрон ҳужжатдаги маълумотларни электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатда ахборот бузилиши йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо калитининг эгаси – Банк Мижозини аниқлаш имконини берувчи махсус ўзгартиришлар натижасида олинган Банк мижозининг электрон ҳужжатидаги имзоси.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Банк томонидан Мижозга хизмат кўрсатиш Мижоз аризада кўрсатган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ушбу Оферта ва амалдаги Тарифларга мувофиқ амалга оширилади. Мижоз, ўз навбатида, банк Тарифларига мувофиқ МБХ тўловини тўлайди.
2.2. Мижоз ёки унинг ваколатли вакили томонидан банкка аризани топшириши ва у Банк томонидан яратилган ЭРИ калитини олиши Мижознинг ушбу Шартномани тузишга розилиги ҳисобланади.
2.3. ЭҲ кейинчалик қоғоз кўринишида тақдим этилмасдан МБХ дан фойдаланган ҳолда Тарафлар томонидан юборилади ва қабул қилинади. Мижоз ва/ёки Банкнинг сўрови бўйича зарур ҳужжатлар қоғоз кўринишида тақдим этилади.
2.4. МБХ орқали фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулотлар тўплами, шунингдек, Банк томонидан МБХ доирасида тақдим этиладиган мавжуд хизматлар ва амалиётлар мажмуи Банк томонидан бир томонлама тартибда белгиланади.
2.5. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ЭҲ қоғоз ҳужжатга тенглаштирилганлиги ва у билан бир хил юридик кучга эга эканлиги томонларга маълум.
2.6. МБХ доирасида Банк мижозларга фойдаланиш учун учта Рольни тақдим этади:
а) “Директор” МБХга тўлиқ кириш, шу жумладан, тўлов ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқиш, киритиш ва Банкка юбориш ҳуқуқига эга.
б) “Ҳисобчи” тўлов ва бошқа ҳужжатларни киритиш, тасдиқлаш ва кўриш, шунингдек, турли ҳисоботларни олиш ҳуқуқига эга, лекин уларни ЭҲ ижроси учун Банкга юбориш имконияти берилмаган.
с) “Ходим” тўлов ва бошқа ҳужжатларни Банкка ЭҲ ижроси учун юбориш имкониятисиз кўриш ва киритиш ҳуқуқига эга.
2.7. ЭРИ фойдаланган ҳолда амалга оширилган тўловлар Мижознинг МБХда директор роли бўлган ходими томонидан ЭРИ билан тасдиқланиши керак.

3. ШАРТНОМА ТУЗИШ

3.1. Банк томонидан:
- Интернет тармоғида www.infinbank.com (кейинги ўринларда Банк сайти) манзили бўйича ўз расмий сайтида;
- Банк биноларида,
эълон қилинган ёки жойлаштирилган ушбу ҳужжат оммавий оферта (Банкнинг шартнома тузиш бўйича таклифи) бўлиб, Банк ва Мижоз ўртасидаги мазкур шартнома Мижоз томонидан ушбу Шартноманинг 2.2.бандига мувофиқ ушбу офертани қабул қилиш вақтида тузилган ҳисобланади.

4. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

4.1. МБХни тақдим этиш тартиби ва шартлари ушбу шартнома, банк ҳисоб рақами шартномаси шартлари, Банкнинг тасдиқланган Тарифлари ва Банкнинг ички қоидалари билан белгиланган.
4.2. Яратилган ЭРИ Банк томонидан Мижоз имзо намуналари карточкасининг биринчи гуруҳида кўрсатилган Мижоз раҳбари номига рўйхатдан ўтказилганда берилади.
4.3. Ҳар бир тўланган муддат тугагандан сўнг, Мижоз МБХ ҳақини тўлагунга қадар Банк томонидан МБХни тақдим этиш тўхтатиб турилади.
4.4. Банк Мижозни бу ҳақда олдиндан хабардор қилиб, исталган вақтда МБХ тақдим этишни тўхтатиб қўйиши мумкин.
4.5. Мижоз билан Банк ҳисоб рақами шартномаси ва/ёки ушбу Шартнома бекор қилинган тақдирда МБХ тўхтатилади.

4.6. Мижоз ушбу билан Банк ўз хоҳишига кўра 10 (ўн) календарь кун олдин мижозни Банк сайтида тегишли маълумотларни жойлаштирган ҳолда хабардор қилиш шарти билан МБХ кўрсатиш, шу жумладан,

- Банк Тарифларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш: Банкка воситачилик ҳақи тўлаш миқдори, тартиби ва шартларини ўзгартириш ва МБХ тақдим этиш билан боғлиқ бошқа тўловларни Мижоз томонидан амалга ошириш;
- ушбу офертага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби ва шартларини ўзгартириши мумкинлигини тасдиқлайди.

5. МИЖОЗ ТОМОНИДАН ДТ ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ

5.1. Банкнинг МБХ хизматини олиш учун Мижоз Банкка мурожаат қилиб, Мижознинг тегишли аризасини имзолаши ва Банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

- МБХга кириш ҳуқуқига эга бўлган Мижознинг раҳбари ва вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

- Мижознинг ходими учун белгиланган шаклдаги ишончнома ва Мижоз ва унинг ходими билан тузилган меҳнат шартномаси (Мижоз ходимларига МБХдан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш зарур бўлган ҳолларда).

5.2. Рўйхатдан ўтишда Роль Банк томонидан стандарт созламаларга кўра ўрнатилади. Шу билан бирга, Мижознинг раҳбарига Директор мақоми, мижознинг бош ҳисобчисига - Ҳисобчи мақоми ва мижознинг бошқа барча ходимларига - Ходим мақоми берилади. Икки ёки ундан ортиқ шахс Директор ва Ҳисобчи мақомига эга бўла олмайди, яъни Директор мақомига бир киши, Ҳисобчи мақомига бир киши эга бўлиши мумкин.

5.4. Келгусида ЭРИ ўзгартирилиши мумкин эмас, илгари берилган ЭРИ бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

6. МБХ КЎРСАТИШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ ШАРТЛАРИ

6.1. Мижозни МБХ дан узиб қўйиш банкнинг ихтиёрига кўра ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида назарда тутилган ҳолларда, жумладан:

- Банкдаги ҳисоб рақам ёпилганда;
- Мижоз томонидан тузилган, Мижознинг раҳбари томонидан имзоланган (агар мавжуд бўлса рўйхатга олинган чиқиш рақами ва муҳри билан) МБХдан ихтиёрий равишда воз кечиш тўғрисидаги Мижознинг аризаси асосида;
- ДТ ишдан чиққанда;
- “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари”да (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017-йил 23-майда 2886-сон билан рўйхатга олинган) назарда тутилган ҳолларда;
- “Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкини ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги Низом” да (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 октябрда 3327-сон билан рўйхатга олинган) назарда тутилган ҳолларда;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

6.2. Мижознинг ЭРИ (пароль) барча Мақомлар учун бекор қилинишига ва янги ЭРИ ва пароль берилишига қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

- Мижознинг ҳуқуқий мақоми ўзгарганда (қайта ташкил этилганда);
- шахсларнинг ўзгариши муносабати билан имзо намуналари карточкалари ва муҳр излари алмаштирилганда;
- агар Мижоз ёки Банкда ЭРИ ва пароль учинчи шахсларга маълум бўлганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлганда.

Юқоридаги ҳолатлар юзага келган тақдирда, Мижоз Банкка тегишли ёзма ариза тақдим этиш мажбуриятини олади.

6.3. Агар Мижоз янги имзо намуналари карточкаларини ўз вақтида тақдим этилишини таъминламаган ёки унинг идентификация параметрлари учинчи шахсга маълум бўлганлиги ҳақида асосли шубҳалари бўлган, ва шу билан бирга Мижоз Банкка тегишли ёзма ариза бермаган ҳолларда, Банк ҳисоб рақам бўйича амалга оширилган амалиётлар учун жавобгар бўлмайди.

6.4. МБХни вақтинча тўхтатиб туриш қуйидаги сабабларга кўра амалга оширилиши мумкин:

- агар Мижозда ДТ рўйхатдан ўтказиш Аризасини имзолаган шахс имзо намуналари карточкасига ва муҳр изига мувофиқ банк ҳужжатларига биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқи берилган янги шахсни рўйхатдан ўтказиш учун Ариза қайта тузилгунга қадар ўзгарган бўлса;
- ваколатли органларнинг кўрсатмалари асосида Мижознинг ҳисоб рақамларига хатлов қўйилганлиги оқибатида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Мижознинг ҳисоб рақамлари тўхтатиб турилиши муносабати билан. Мазкур ҳолатда, агар Мижоз фаол Мақомга эга бўлган бўлса, бунда Мижоз стандарт Мақом доирасидаги амалиётларни кўриш имкониятига эга бўлади;
- Банк Мижози томонидан МБХ тўлови амалга оширилмаган ҳолларда;
- ДТ вақтинчалик носозликлар юзага келганда;
- Мижоз раҳбарининг МБХни ихтиёрий равишда вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисидаги Аризасига кўра. Мазкур ҳолатда, Мижоз МХБ дан фойдаланиш имкониятини йўқотади ва МХБ даги барча мақомлар (“директор”, “ҳисобчи”, “ходим”) тўлиқ тўхтатилади;
- Мижоз томонидан ушбу шартнома шартлари бузилган тақдирда;
- МБХ Мижоз томонидан ишлатилмаётганига асос бўладиган ҳолатлар мавжуд бўлганда;
- Мижознинг Банк бўлинмаси/филиалида очилган ҳисоб рақамларидан бирортаси хатланган тақдирда янги ҳисоб рақамлар очиш ва МБХ ёрдамида ҳисоб рақамлар бўйича амалиётлар ўтказишга йўл қўйилмайди;
- Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик талаблари асосида;
- агар Банк томонидан Мижозга қабул қилинган кундан эътиборан ўн амалиёт куни ичида акцептланган тўлов талабномасини тақдим этиш имкони бўлмаса, шунингдек, агар Мижоз ушбу муддат ичида МБХ тизимига кирмаган бўлса, Банк ушбу ўн амалиёт куни мобайнида Мижознинг ҳисоб рақамидан унинг талабномаси бўйича маблағларни ҳисобдан чиқариш амалиётларини ўтказмайди, шу жумладан нақд пул бермайди, солиқ тўловчининг Ягона интерфаол давлат хизматлари порталидаги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайти шахсий кабинети орқали юборилган тўлов топшириқномалари асосида тўловларни амалга ошириш ҳоллари бундан мустасно;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

6.5. Мижоздан аппарат таъминоти йўқолганлиги ёки унга бегона шахслар рухсатсиз кирганлиги тўғрисида расмий ёзма хабар олганда, Банк МБХ тақдим этишни тўхтатиб туриш мажбуриятини олади.
6.6. Мижоз МБХ дан фойдаланиш воситаси ҳисобланган аппарат таъминотини йўқотиб қўйиб, банкка келган тақдирда Банк ЭРИни алмаштириш мажбуриятини олади. Мазкур ҳолатда Мижоз, агар бу Банк Тарифларида назарда тутилган бўлса, Банкка жарима тўлаш мажбуриятини олади.
6.7. МБХдаги "Директор" мақоми МБХ даги бошқа мақомлар фаолиятини тўхтатиб туриш ёки чиқариб юбориш имкониятини беради.

7. ХИЗМАТ ҲАҚИНИ ТЎЛАШ

7.1. Хизмат ҳақини тўлаш банк Тарифларига мувофиқ амалга оширилади.
7.2. Банк Мижознинг ҳисоб рақамидан МБХ учун ҳар ойда жорий ойнинг 1 кунидан то 10 кунига қадар (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 783-моддасига асосан) Мижоз ҳисоб рақамининг пул маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга.
7.3. МБХ бўйича қарздорликни тўлаш учун Мижознинг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари йўқ ёки етарли бўлмаган тақдирда, қарздорликнинг тўланмаган қисми белгиланган тартибда ижро этиладиган тўлов талабномасини бериш йўли билан Мижознинг 2-чи Картотекасига жойлаштирилади. Кўрсатилган тўлов талабномаси Мижоз томонидан қўшимча тасдиқларсиз қабул қилинган ҳисобланади.

8. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

8.1. Томонлар махфийликни сақлашга келишиб олдилар.
8.2. Банк Мижоздан белгиланган талабларга жавоб берадиган тўлов топшириқномаларини олганда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган муддатларда тўловларни амалга ошириши шарт. Улар белгиланган талабларга мос келмаган ёки ЎР МБ АБМ томонидан яроқсиз деб топилган ёхуд ҳисоб рақамда ҳужжатни расмийлаштириш учун зарур бўлган маблағ бўлмаган тақдирда, Банк Мижозни қабул қилинган топшириқномалар бажарилмаганлиги ҳақида алоқа каналлари орқали хабардор қилади. Шу билан бирга, Банк Мижоз топшириқномаларининг бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.
8.3. Банк мобиль иловаларнинг Мижоз носоз қурилмаларида, ёки Jailbreak (iOS) билан iOS файл тизимига кириш қурилмаларида ёки сўнгги лицензияланган вирусга қарши дастурий таъминотсиз тўғри ишлашини кафолатламайди.
8.4. Мижоз ЭРИ сертификати билан USB-токенни учинчи шахслар фойдалана олмайдиган хавфсиз жойда ёки ёнида лозим даражада сақлаши шарт. Токенни учинчи шахсларга бермаслик ва ЭРИ сертификатидаги парольни бошқа шахсларга ошкор қилмаслик мажбуриятини зиммасига олади.
8.5. Мижоз Android ва/ёки iOS операцион тизимида ишлайдиган соз аппарат таъминотидан ва уяли алоқа операторининг мобиль Интернет хизматларига ёки бошқа симсиз Интернет хизматларига уланган аппарат таъминотидан фойдаланиши шарт.

8.6. Мижоз МБХга кириш ва МБХдан фойдаланган ҳолда амалиётларни ўтказиш учун зарур бўлган маълумотларнинг бут сақланиши ва махфийлигини таъминлаши ва бундай махфий маълумотларни бошқа шахсларга ошкор қилмаслиги шарт.
8.7. Мижоз МБХ га киришни кейинчалик узиб қўйиш ва "учинчи шахслар" томонидан ҳисоб рақамлар бўйича рухсат этилмаган амалиётлар ўтказилишини олдини олиш мақсадида ўз аппарат таъминотининг йўқолганлиги/ўғирланганлиги ҳолати тўғрисида дарҳол Банкни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.
8.8. Мижоз МБХ дан фойдаланишда зарур хавфсизлик чораларига риоя қилиши, бошқа шахсларга МБХ дан фойдаланиш имкониятини тақдим этмаслиги шарт.
8.9. Амалиёт ўтказиш вақтида Мижоз томонидан МБХга ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар киритилганлиги учун Банк жавобгар бўлмайди.
8.10. Мижоз Банк сайтида ушбу шартномага киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлигини текшириши, агар бундай маълумотлар мавжуд бўлса - МБХ кўрсатишнинг янги тартиблари ва шартларини диққат билан ўрганиб чиқиши шарт.
8.11. Банк Мижозни жойлашган жойи (почта манзили) ёки Мижоз томонидан кўрсатилган манзил бўйича, шу жумладан, МБХ дан фойдаланган ҳолда шубҳали амалиётлар ўтказилганлиги тўғрисида шубҳа мавжуд бўлса, бевосита МБХда кўрсатилган шахс томонидан амалиётни амалга ошириш жараёнини ўрганиб чиқишга ҳақли.
8.12. Мижоз томонидан МБХ дан фойдаланган ҳолда амалга оширилган шубҳали амалиётлар аниқланган тақдирда, Банк Мижоз томонидан амалга оширилган амалиётларнинг қонунийлиги тўғрисида ёзма тушунтириш берилгунга қадар Мижозга МБХ тақдим этилишини тўхтатиб туришга ёки ушбу хизматни кўрсатишни рад этишга ҳақли.
8.13. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида Мижоз томонидан ушбу МБХ дан фойдаланилганлиги ҳақида асослантирилган шубҳалар мавжуд бўлганида Банк ушбу офертани ўрнатилган тартибда бекор қилишга ҳақли.
8.15. Агар Мижоз ёки унинг амалиёти санкциялар таъсир доирасига тушиб қолса ёки унга тушиб қолиш хавфи мавжуд бўлса, Банк амалиётни ўрганиш мақсадида қўшимча маълумотлар сўрашга, амалиёт миқдорини чеклашга, амалиётни чеклашга (рад этишга) ёки операцияни рад етиш) ёки у томонидан амалга оширилган амалиёт Мижоз сўровномасидаги ихтисосликка мос келмаса, хизмат кўрсатишдан бош тортишга ва Мижоз билан тузилган ушбу шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.
8.16. Мижоз "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низом" талабларини қатъий бажариш мажбуриятини зиммасига олади.

9. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бузганлик учун Банк ва Мижоз Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.
9.2. Банк ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Банк ҳисоб рақами шартномасида назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.
9.3. Банк ўз ходимларининг исботланган айби мавжуд бўлган тақдирда жавобгар бўлади.
9.4. Мижоз қуйидагилар учун жавобгардир:
- МБХ дан фойдаланиш ва МБХ дан фойдаланган ҳолда амалиётларни амалга ошириш учун зарур бўлган Мижознинг махфий маълумотларидан ва МБХ дан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ҳамда МБХ ни бошқариш бўйича барча амалиётлар учун;
- ЕРИ ва паролнинг, шунингдек, МБХдан фойдаланиш ва МБХ дан фойдаланган ҳолда амалиётларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотларнинг бут сақланиши ва махфийлигини таъминлаш, Мижоз томонидан бундай маълумотларнинг бут сақланиши ва махфийлигини таъминлаш талабларига риоя қилмаслиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарар учун;
- ўзганинг аппарат таъминоти орқали МБХ дан фойдаланиш учун;
- бошқа шахсларга МБХга кириш ҳуқуқини ноқонуний равишда берганлиги, мижознинг қасддан ёки бепарволиги ва бундай ноқонуний хатти-ҳаракатлар натижасида юзага келган барча оқибатлар учун;
- парол, ЭРИ ошкор этганлиги / ёки уяли телефон рақамидан бошқа шахсларга фойдаланишга рухсат берганлик учун;
- ўз телефон рақамини ўзгартирганлиги тўғрисида банкка ўз вақтида хабар бермаганлик учун.
9.5. Мижоз мустақил равишда парол ва ЕРИ хавфсизлигини таъминлайди, шунингдек, ЕРИ ва паролдан фойдаланган ҳолда ДТ киргандан кейин МБХ воситасида у амалга оширган барча ҳаракатлар учун жавобгар бўлади.
9.6. Мижоз МБХ доирасида амалга оширилган амалиётларнинг қонунийлиги учун жавобгардир.
9.7. МБХ дан фойдаланишда ноқонуний амалиётларга киришиб кетиш хавфи Мижоз зиммасида эканлиги ҳақида у огоҳлантирилади.

10. БАНКНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИНИ ЧЕКЛАШ

10.1. Банк МБХ дан аппарат таъминотининг барча моделларида фойдаланиш имкониятини кафолатламайди ва Мижознинг аппарат ва дастурий таъминотининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ сабабларга кўра МБХ дан фойдаланиш имконияти йўқлиги учун жавобгар бўлмайди.
10.2. Банк мобиль алоқа хизматлари ва маълумотларни узатиш хизматларини тақдим этмаслигини эътироф этган ҳолда, Мижоз алоқа тармоқларининг узилиши билан боғлиқ сабабларга кўра Мижозга МБХ нинг сифатсиз тақдим этилиши учун Банк жавобгар бўлмаслигини тасдиқлайди.
10.3. Банк қуйидагилар учун жавобгарликдан озод қилинади:
а) банкларарo электрон тўловлар тизимидаги носозликлар эҳтимоли учун;

б) тўлов топшириқномаларини расмийлаштиришда Мижоз томонидан йўл қўйилган камчиликлар натижасида унинг тўловлари кечикканлиги учун;
в) Мижознинг ҳисоб рақамлари бўйича амалиётларни қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб туриш учун;
д) Мижоз томонидан МБХга кириш учун фойдаланиладиган аппарат таъминотининг сифатсиз ишлаши учун;
е) уяли алоқа операторлари, провайдерлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати учун;
ф) Мижозни МБХдан фойдаланувчи шахсларнинг маълумотлари, шу жумладан паспортлари ва мобиль телефон рақамларидаги ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаслик, бунинг оқибатида МБХ тақдим этиш тўхтатиб турилиши ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор этилиш эҳтимоли учун;
г) Мижознинг аппарат таъминоти “учинчи шахслар” ихтиёрига ўтган ҳолларда, “учинчи шахслар” томонидан МБХ воситасида рухсатсиз амалга оширилган амалиётлар учун;
г) Мижоз мобиль телефон рақамини нотўғри тақдим этиши натижасида унинг амалиётлари тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор бўлганлиги учун;
ҳ) Мижознинг МБХ ҳисоб қайдномасига рухсатсиз кириш натижасида етказилган зарар учун.

11. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

11.1. Агар ушбу шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, барча расмий хабарлар, даъволар, талаблар ва ш.к., ушбу шартнома доирасида ёзма шаклда тузилиши ва ушбу шартнома бўйича тарафларга почта жўнатмалари (оддий ёки топширилганлиги маълум қилинадиган хат) кўринишида ёки шахсан ўзига топширилиши керак.
11.2. Ушбу шартнома билан тартибга солинмаган бошқа барча масалаларда тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва банк ҳисоб рақами шартномасига амал қиладилар.
11.3. Ушбу шартномадан ёки у билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган, шу жумладан уни бажариш, бузиш, бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ барча низолар, келишмовчиликлар ёки талаблар Банк жойлашган жойдаги судда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

12. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

12.1. Томонлар Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки қайсидир қисмини ўз вақтида бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади, агар ушбу бажарилмаслик ёки ўз вақтида бажарилмаслик форс-мажор ҳолатлари билан боғлиқ бўлса.
12.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги сабабли мажбуриятларини бажариш имконсиз бўлган ҳолат юзага келган Тараф, улар юзага келган пайтдан бошлаб 10 (ўн) кундан кечиктирмай бошқа Тарафни ушбу ҳолатлар

юзага келганлиги, юқорида кўрсатилган ҳолатлар давом этиши ва тугашининг тахминий муддатлари тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.
12.3. Хабарномада кўрсатилган ҳолатлар ваколатли давлат органининг тегишли ҳужжати билан тасдиқланган бўлиши керак (бундай орган мавжуд бўлган тақдирда).

13. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

13.1. Ушбу оферта Мижознинг Банк ҳисоб рақами шартномаси ва/ёки ушбу шартнома бекор қилингунга қадар амал қилади.
13.2. Шу билан бирга, Банк Мижозни Банкнинг сайтида ёки оммавий ахборот воситалари орқали ва/ёки Банкнинг хоҳишига кўра бошқа исталган воситалар орқали тегишли эълонни жойлаштириш орқали хабардор қилиш ҳуқуқига эга.

14. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

14.1. Ушбу шартномани тузган ҳолда Мижоз МБХга кириш ҳуқуқи берилгунга қадар Банк томонидан МБХни тақдим этиш тартиби ва шартларини ва Банк Тарифларини ўрганиб чиқганлигини, уларга рози эканлигини ва уларни ўзи учун бажарилиши шарт деб эътироф этишини тасдиқлайди.
14.2. Ушбу оферта Банк мижозларини 3 (уч) иш куни олдин ўз расмий сайтида хабардор қилган ҳолда Банк томонидан исталган вақтда қайтариб олиниши мумкин.